

**ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ ЖИНОИЙ ҚИЛМИШИ ТУШУНЧАСИ
ВА УНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ**

Абдуллаев Абдугаффор Абдуллаевич

Ўзбекистон Республикаси

Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси

Аннотация: *Мазкур илмий мақолада ҳарбий хизматчиларнинг жиноий қилмиши тушунчасининг назарий-ҳуқуқий мазмуни, унинг жиноят-ҳуқуқий табиати ва институционал хусусиятлари комплекс таҳлил қилинади. Тадқиқотда ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларнинг умумий жиноятлар тизимидаги ўрни, уларнинг ўзига хос объектив ва субъектив белгилари ҳамда махсус субъект институти билан боғлиқ жиҳатлари ёритиб берилади. Шунингдек, ҳарбий хизматчиларнинг жиноий қилмишлари тушунчасини миллий қонунчиликда аниқ ва мукамал ифода этиши зарурати илмий асосланади.*

Мақолада тарихий-ҳуқуқий ёндашув асосида ҳарбий жиноятлар институтининг шаклланиш босқичлари таҳлил қилиниб, миллий давлатчилик анъаналари, жумладан, ҳарбий интизом ва жавобгарлик масалаларига оид ҳуқуқий қарашлар эволюцияси кўриб чиқилади. Хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида ҳарбий хизматчилар жавобгарлигининг тартибга солиниши қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан ўрганилиб, илгор тажрибалар умумлаштирилади.

Тадқиқот натижасида “ҳарбий хизматчиларнинг жиноий қилмиши” тушунчасига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилиб, уни қонунчилик даражасида мустаҳкамлаш зарурати асосланади. Шу билан бирга, ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларни квалификация қилишида ягона ёндашувни шакллантириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётида юзага келаётган айрим муаммоларни бартараф этиши ҳамда ҳарбий ҳуқуқ институтини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар илгари сурилади. Мазкур тадқиқот ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, давлат мудофаа қобилиятини таъминлаш ва жиноят-ҳуқуқий сиёсатни такомиллаштириш нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади.

Калит сўзлар: *ҳарбий хизматчи, жиноий қилмиш, ҳарбий жиноятлар, ҳарбий хизматни ўташ тартиби, махсус субъект, жиноий жавобгарлик, жиноят таркиби, ҳарбий интизом, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, тарихий-ҳуқуқий ёндашув, квалификация масалалари, ҳарбий ҳуқуқ институти, давлат мудофаа қобилияти, жиноят-ҳуқуқий сиёсат, қонунчиликни такомиллаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, миллий қонунчилик, илмий-назарий таҳлил.*

ПОНЯТИЕ ПРЕСТУПЛЕНИЯ ВОЕННОСЛУЖАЩИХ И ЕГО
УГОЛОВНО-ПРАВОВАЯ ПРИРОДА

Абдуллаев Абдугаффор Абдуллаевич

*Независимый соискатель Университета общественной безопасности
Республики Узбекистан*

Аннотация: В данной научной статье проводится комплексный анализ теоретико-правового содержания понятия преступного деяния военнослужащих, его уголовно-правовой природы и институциональных особенностей. В исследовании раскрывается место преступлений против порядка несения военной службы в системе общеуголовных преступлений, их специфические объективные и субъективные признаки, а также аспекты, связанные с институтом специального субъекта. Кроме того, научно обосновывается необходимость чёткого и полного закрепления понятия преступных деяний военнослужащих в национальном законодательстве.

В статье на основе историко-правового подхода анализируются этапы формирования института воинских преступлений и рассматривается эволюция правовых взглядов, относящихся к традициям национальной государственности, в том числе к вопросам воинской дисциплины и ответственности. Проводится сравнительно-правовое изучение регулирования ответственности военнослужащих в уголовном законодательстве зарубежных стран и обобщается передовой опыт.

В результате исследования разработано авторское определение понятия “преступное деяние военнослужащих” и обоснована необходимость его закрепления на законодательном уровне. Вместе с тем выдвигаются научные предложения и рекомендации по формированию единого подхода к квалификации преступлений против порядка несения военной службы, устранению некоторых проблем, возникающих в правоприменительной практике, а также по совершенствованию института военного права. Данное исследование имеет важное значение с точки зрения укрепления воинской дисциплины, обеспечения обороноспособности государства и совершенствования уголовно-правовой политики.

Ключевые слова: военнослужащий, преступное деяние, воинские преступления, порядок прохождения военной службы, специальный субъект, уголовная ответственность, состав преступления, воинская дисциплина, сравнительно-правовой анализ, историко-правовой подход, вопросы квалификации, институт военного права, обороноспособность государства, уголовно-правовая политика, совершенствование законодательства, правоприменительная практика, национальное законодательство, научно-теоретический анализ.

THE CONCEPT OF CRIMES COMMITTED BY MILITARY PERSONNEL
AND THEIR CRIMINAL-LEGAL NATURE

Abdullaev Abdugaffor Abdullaevich

Independent applicant of the University of Public Safety of the Republic of Uzbekistan

Abstract: *This academic article provides a comprehensive analysis of the theoretical and legal substance of the concept of criminal acts by military personnel, its nature under criminal law, and its institutional features. The study defines the place of crimes against the established procedure of military service within the system of general criminal offenses, their specific objective and subjective elements, and aspects related to the concept of a special subject. Furthermore, the article substantiates the need for a clear and comprehensive definition of the concept of criminal acts by military personnel within national legislation.*

Based on a historical-legal approach, the article analyzes the formation stages of the institution of military crimes and examines the evolution of legal views pertaining to the traditions of national statehood, including issues of military discipline and liability. It also conducts a comparative legal study of the regulation of liability for military personnel in the criminal legislation of foreign countries and summarizes best practices.

The research culminates in the author's own definition of the concept “criminal act by military personnel” and substantiates the need for its legislative enactment. Concurrently, the article puts forward academic proposals and recommendations for creating a unified approach to the qualification of crimes against the established procedure of military service, eliminating certain problems that arise in law enforcement practice, and improving the institution of military law. This study is of significant importance for strengthening military discipline, ensuring the state's defense capability, and refining criminal law policy.

Keywords: *military personnel, criminal act, military crimes, procedure for military service, special subject, criminal liability, corpus delicti, military discipline, comparative legal analysis, historical-legal approach, qualification issues, institution of military law, state defense capability, criminal law policy, legislative improvement, law enforcement practice, national legislation, theoretical and legal analysis.*

Бугунги кунда мамлакатимиз тараққиёти янги босқичга юз тутаётган бир вақтда, ривож топиб бораётган ўлкамиз жамияти ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият борасида янги бир даврни бошдан кечирмоқда. Мамлакатимиз эришаётган ютуқлар дунё давлатлари томонидан тан олинмиши билан бир қаторда юртимизда олиб борилаётган ҳуқуқий ислоҳотлар қизғинлик билан кузатиб келинмоқда. Бу эса ўз навбатида мамлакатимизнинг ҳуқуқий-демократик давлатлар қаторида ўз ўрнига эга бўлиши, иқтисодийнинг раванқ топиши, инвестиция ва ўзаро ҳамкорлик масалаларида кўп жиҳатдан юртимизда олиб борилаётган ҳуқуқий ислоҳотларга боғлиқ эканлигини кўрсатмоқда.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев 2016 йил 1 ноябрдаги Андижон вилояти сайловчилар вакиллари билан учрашувдаги нутқида айтиб ўтганидек, “Юртимизда барпо этилаётган ҳуқуқий-демократик давлатда адолатсизлик бўлишига ҳеч қачон йўл қўймаймиз. Қонун ва адолат ҳимояси ҳокимиятнинг барча бўғинлари, энг аввало, давлат бошқаруви органлари, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг биринчи даражали вазифаси бўлиб, айти пайтда бутун жамиятимизнинг куч ва имкониятларини шу йўлда сафарбар этиш шарт, деб ҳисоблаймиз”[1, 22-бет].

Дарҳақиқат давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, қонун ва адолат ҳимояси давлат ва жамиятнинг нормал фаолият олиб боришида муҳим ўрин эгаллайди, ҳамда мазкур вазифа бевосита давлат назоратида бўлиши жуда муҳимдир.

Ҳарбий хизматчиларнинг жиноий қилмишлари деганда энг аввало жиноий қилмишларни “умумий субъект”дан “махсус субъект”га ажратиб олиш масаласини назарда тутати. Бироқ бунга қандай зарурат мавжуд?

Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари жамият ҳаётининг муҳим бўлаги бўлиб, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминловчи асосий бўғинидир. Шунга кўра ҳарбий хизматчиларнинг жамият ва ҳарбий хизмат билан боғлиқ ижтимоий муносабатларини тартибга солиш, уларнинг жиноий қилмишлари юзасидан жиноят ишларини мазмунан кўриб чиқишда ҳарбий сир ва хизмат билан боғлиқ маълумотларни жамиятда муҳокама қилиш, давлат ва жамият манфаатларига жиддий зиён етказишини инобатга олган ҳолда, ушбу институт жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида иш юритишнинг бошқа шаклларида алоҳидалашган ҳолда кўриб чиқилиши белгиланган[2].

Жаҳонда аксарият мамлакатларда ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилган жиноятларнинг иш юритуви алоҳида институт сифатида қаралади ва ушбу ишлар махсус ҳарбий прокуратура, ҳарбий суд ва ҳарбий трибуналларда кўриб чиқилади[2]. Ҳаттоки ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилган жиноий қилмишлар юзасидан ишларни юритиш, уларнинг бу борадаги ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш шунингдек суриштирув ишлари ҳам алоҳида “ҳарбий полиция”[3] ва ҳарбий суриштирув органлари томонидан олиб борилади.

Ҳарбийлар томонидан содир этилган жиноятлар ва уларга нисбатан қўлланилган жазо чоралари чуқур тарихий илдизга эга. Хусусан, Амир Темур томонидан ёзилган “Темур тузуклар”ига мурожаат қилсак, Амир Темур зулмкор сипоҳийларга (ҳарбийлар) оддий кишиларга асосиз жабр-у ситам ўтказадиганларга нисбатан муросасиз бўлган.

“Агарда, - дейди у, - қайси бир сипоҳий ҳаддидан ошиб, ўз қўли остидаги кишига зулм ўтказар экан, уни тутиб, мазлум қўлига топширишни буюради. Токи додига ўшалар етсинлар. Агар ҳокимлар томонидан халққа жабр-зулм қилиниб, уларни ҳароб қилган бўлсалар, қилган ишларига яраша жазо беришни талаб қилади. Агарда кавхудолар (қишлоқ, жамоа оқсоқоли) ва калонтарлар (шахар хукмдорлари)дан кичикроқ даражадаги одамга зулм қилган бўлсалар, қилган зулмига яраша, ҳар кимнинг кўтаришича жарима солсинлар” деб буйруқ берган. Амир Темур

юқоридаги масалада яна шундай деган: “Агар бирор кимсанинг гуноҳи исботлангандан сўнг, ундан жарима олсалар, бошқа яна дарра урмасинлар. Агар дарра уриш билан жазоласалар, ундан жарима олмасинлар.” Демак, Амир Темур бир жиноят учун икки марта ёки икки хил жазо тайинлашга қарши бўлиб, жиноят ва жазо миқдорларини тенглигини ёқлайди[4, 23-б].

Шунингдек, Амир Темур давлатида ҳарбий жиноятлар ва жазолар тизими куйидаги тамойилларда ўз ифодасини топган:

- қайси бир сипоҳий урушдан юз ўгириб, қочса, уни илтифотимиздан маҳрум этсинлар;

- агар мажбуран чекинган бўлса, узрни қабул қилсинлар;

- агарда уни ваҳима босган бўлса, изза қилсинлар;

- қайси сипоҳий душман қаршисида қилич чопиб, яралангандан кейин қочган бўлса, унга таҳсин ўқиб, яраланганлигини эътиборга олсинлар;

- қайси бир сипоҳий хизматда юриб қариллик ёшига етар экан, уни улуфадан маҳрум этмаслик ва мартабасидан туширмаслик лозим, улардан фойдали маслаҳат олсинлар[5, 92-93-б].

Юқоридаги фикрлар шуни исботлайдики, Амир Темур давлатида ҳарбийлар томонидан содир этилган жиноятларга алоҳида эътибор берилган. Темурийлар давлатида сипоҳий (ҳарбий)лар жинояти учун алоҳида жавобгарлик белгиланган ва жазолар ягона тизимга солинган. Шу билан бирга уруш даврида ва тинчлик даврида сипоҳийлар томонидан содир этилган жиноятларнинг аҳамияти алоҳидалашган тарзда кўрилган ва уларнинг жазо тизимида содир этган жинояти учун чин кўнгилдан пушаймон бўлган ҳолларда унга нисбатан амалдаги жазолардан енгилроқ жазо кўлланилган. Шунингдек, Темурийлар давлати қонунчилигида бир жиноят учун икки марта ёки икки хил жазо тайинлашга йўл кўйилмаганлиги, ҳозирги замонавий қонунчилик асосларида намоён бўлиши билан бир қаторда ҳар даврда адолатли қонунлар жамиятнинг эътирофига сазовор бўлган ва кучли давлатнинг асоси сифатида хизмат қилган.

Рус олими М.Н.Прудников ўзининг “Ҳорижий давлатларнинг давлатчилик ва ҳуқуқ тарихи” номли китобида Византия империясида

726-йилда қонунчилик кодекси ҳисобланган - Эклог қабул қилинганлиги, мазкур қонун ўзига тўртта мустақил қонунни қамраб олганлиги: ушбу қонунлар қишлоқ хўжалиги, ҳарбий, денгиз ва Моисей қонунларидан иборат эканлигини аниқлаган. Ҳарбий қонунда ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқбузарлигига оид ишлар жиноий-ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинганлиги акс этган.

Шунингдек, Германиянинг давлатчилиги ривожининг юқори босқичлари даврида яъни XVIII–XIX асрларда ҳарбий хизматни ўташга мажбур бўлган шахслар ва ҳарбий хизматчиларга нисбатан жиноят қонунчилиги нормалари кучайтирилган, ҳарбий судлар жорий этилганлиги, уларнинг кўлами кенгайганлиги кўрсатилган. Италия давлатининг фашизмдан кейинги ривож босқичларида ҳам 1947-йилда қабул қилган Конституциясига кўра судлар 3 та тизимга бўлинганлиги ва улардан бирини

ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилган жиноятларни мазмунан кўриб чиқувчи ҳарбий судлар ташкил этганлиги кўрсатилган[6, 322, 495, 623-бетлар].

М.Н.Прудников тарихда давлатчилик ва ҳуқуқ ривож топган барча давлатлар тарихига назар ташлаб, улардаги қонунчиликнинг алоҳида жиҳатларига эътибор берган, ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг жиноий қилмишлари алоҳида қонун, иш юритуви ёки судлар орқали ташкил этилганлигига урғу беради, ҳамда бунга тарихдан зарурият мавжудлиги шу билан бирга ривожланган давлатчилик учун муҳим бўғин сифатида қаралганлигини эътироф этади.

Рус олими И.М.Мацкевичнинг фикрига кўра, “Ҳарбий жиноятларнинг тарихий таҳлили шуни кўрсатадики, унинг даражаси, қоида тарикасида, умумий жиноятчилик даражасига мос келади. Ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилган жиноятларнинг энг кенг тарқалган тури ҳарбий хизматдан бўйин товлаш бўлган. Ҳарбий жиноятларнинг ҳозирги ҳолати ривожланишнинг ноқулай динамикаси, интенсивлиги, барқарорлиги ва латентлиги билан тавсифланади”[7, 4-б] дея таъкидлайди.

М.Мацкевичнинг фикрлари ўринли, ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларни содир этган ҳарбий хизматчиларнинг мисолида намоён бўлиши мумкин, бироқ биз тадқиқ этаётган мавзуда ҳарбий хизматчи нафақат ҳарбий мансабдорлик ёки ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларнинг, балки умумий жиноят субъекти сифатида намоён бўлади.

Яна бир рус олими И.И.Исраиловнинг таъкидлашича “Бўйсуниб тартибига ва ҳарбий низом муносабатларига қарши жиноятлар учун жавобгарлик тўғрисидаги ҳарбий жиноий қонунчиликнинг ривожланиш тарихи, умуман, қонунчилик сифатида, аниқ тарихий шароитлар билан белгиланади. Мамлакат ва унинг Қуролли Кучлари ҳаётида содир бўлган ҳамда кўрсатилган қонун ҳужжатларининг ўзгариши ва ривожланишига олиб келган аниқ объектив жараёнларни билиш амалдаги қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини яхшироқ тушуниш ва очиқ беришга ёрдам беради”[8].

Шунингдек В.А.Жарких[9], М.Ю.Лопатин[10] ва Р.М.Агишев[11] каби бошқа рус олимлари ҳам ҳарбий хизматчиларнинг жинояти – мамлакат армияси ҳаётидаги салбий ижтимоий ҳодиса ҳисобланиб, ушбу ҳодиса нафақат ҳарбий хизматчиларнинг ҳаётига, балки ҳарбий тузилманинг ҳаёт тарзига салбий таъсир кўрсатишини билдиришган. Мазкур олимларнинг фикрларида ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилган жиноятлар давлатчиликнинг илк шакллари пайдо бўлганидан буён ўзининг ижтимоий хавфлилик ва субъектив жиҳатлари билан жамиятда алоҳида муносабатга эга бўлганлигини эътироф этишган. Чунончи, ҳарбий хизматчиларнинг жиноий қилмишлари бўйича қонунлар, қадимги, ўрта ҳамда ҳозирги жамият муросасиз муносабатда бўлганлигини юқоридаги олимларнинг барчаси эътироф этишган. Шу билан бирга тарихдан мазкур иш юритиш шакли долзарблиги, ҳарбийларнинг кўлида жамиятга ва ҳокимиятга таъсир этиш мумкин бўлган ҳарбий куч ва воситалар жамланганлиги билан ўзига ҳосдир.

Юқоридагилардан мазкур ҳарбийларнинг жиноий қилмишлари бўйича тарихий жиҳатдан ўрганилганда, давлатчиликнинг илк белгилари пайдо бўлганидан то бугунги кунга қадар мазкур мавзу ўзининг долзарблиги билан ажралиб туради. Бинобарин, ҳарбийлар мамлакатнинг муҳофаа салоҳияти ва куч-қудратини ташкил қилувчи асосий бўғини ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, мавзунинг ижтимоий заруриятини асослаш диссертациясининг асосий вазифаларидан бўлганлиги сабабли бу борада тадқиқот олиб борган олимларнинг хулосаларига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда ҳарбий хизматчиларнинг жиноий қилмишлари бўйича иш юритиш бошқа субъектларга нисбатан қўлланилувчи иш юритишдан энг фарқли жиҳати бу – ҳарбий хизматчиларга нисбатан мазкур асосларни ЖПКнинг 345-моддаси 3-қисмига кўра фақатгина ҳарбий прокуратура идоралари томонидан амалга оширилиши ҳисобланади. Яъни, мазкур ишлар бўйича иш юритиш фақатгина ҳарбий прокуратура органлари томонидан амалга оширилади ва мазкур иш юритиш бўйича қабул қилинган қарорлар устидан шикоят қилиш ҳам юқори турувчи айнан ҳарбий прокурорга берилиши мумкин ҳолос. Бу эса кўп ҳолларда мазкур қарорларнинг бекор бўлмасдан ўз кучида қолишига олиб келмоқда.

Шу билан бирга ҳарбий хизматчиларнинг жиноий қилмишлари бўйича ЖПКда алоҳида иш юритув тартибининг мавжуд эмаслиги, ЖКнинг еттинчи бўлимида назарда тутилган ҳарбий жиноятларнинг ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган тоифалари бўйича иш юритувнинг суриштирув шакли мавжуд эмаслиги, маъмурий преюдиция ишларида ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилган шу турдаги ҳуқуқбузарликлар учун МЖТКнинг 16-моддасига асосан фақатгина интизомий жазо чораси қўлланилиши мазкур моддалар юзасидан ҳаракатларнинг такрорийлиги жиноят таркибини берувчи жиноятларда ҳарбий хизматчиларнинг жавобгарлик масалалари ва бошқа кўплаб ҳуқуқий муаммоли масалалар бу йўналишда илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Юқоридаги фикрларда келиб чиқиб, ҳарбий хизматчиларнинг жиноий қилмишлари ва ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларни тадқиқ этишнинг ижтимоий зарурияти қуйидагиларда намоён бўлади деган фикрга келамиз.

Жумладан, ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларни жиноий-ҳуқуқий жиҳатларини тадқиқ этиш ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқларини тиклаш ёки жиноят йўлига адашиб кириб қолган ҳарбийларнинг, қилмишига пушаймон бўлиши, жавобгарликдан озод бўлиши билан биргаликда ҳарбий хизматни давом эттириш имкониятини берилиши мумкинлигини нуқтаи назаридан долзарбдир.

Шу билан бирга ҳарбий хизматчилар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳарбий интизомни мустаҳкамланишига, ҳарбийлар орасида ҳуқуқий онг, ижтимоий ҳаётида эса ҳуқуқий маданиятни юксалишига сабаб бўлади.

Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларни жиноий-ҳуқуқий жиҳатларини тадқиқ этиш институтини такомиллаштириш ўз аҳамиятига кўра қуйидаги намоён бўлади:

Сиёсий аҳамиятига кўра – давлатнинг ҳарбий хизматчилар жиноятчилигига қарши курашда вазифаларини бажарилишида кўмаклашади, ислохотларнинг инсонпарвалигини намоён қилади ва ортиқча моддий сарф-ҳаражатларни олдини олади.

Ҳуқуқий аҳамияти – ҳарбий бўлмаган шахслар билан вужудга келган жиноий-ҳуқуқий муносабатларда ҳуқуқларини таъминланишига, ҳарбийлар томонидан содир этилган жиноятлар натижасида етказилган зарарнинг ундирилишига хизмат қилса, ҳарбий хизматчиларнинг контракт асосидаги кейинги ҳарбий хизматни давом эттириши имкониятини беради.

Тарбиявий аҳамияти – ҳарбий хизматчилар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳарбий интизомни мустаҳкамланиши, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятни юксалишига ва қонунларга ҳурмат руҳини шаклланишига хизмат қилади.

Тадқиқот олиб борилаётган, ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларни жиноий-ҳуқуқий жиҳатлари марказида “ҳарбий хизматчиларнинг жиноий қилмиши” атамаси бўлганлиги сабабли унинг юридик таърифи диссертация мавзусини ўрганишда муҳим саналади. Бироқ мазкур атаманинг юридик таърифи қонунларимизда акс эттирилмаган, ҳаттоки бу борада бирор ҳуқуқий адабиётларда ҳам маълумотлар учрамайди. Ҳорижий мамлакатларнинг бу борада илғор тажрибалари мавжуд, бироқ мамлакатимизда ҳуқуқ фанлари соҳасида ҳарбий ҳуқуқнинг алоҳида институт сифатида қаралиши ва бошқа объектив сабабларга кўра, ушбу соҳада тадқиқотлар кам амалга оширилган. Шу сабабли мазкур атамага ҳуқуқий таъриф ишлаб чиқиш, ҳарбий ҳуқуқ соҳасида миллий кадрларни тайёрлашда махсус адабиётларнинг шаклланишида долзарб аҳамият касб этади.

Ҳарбий хизматчиларнинг жиноий қилмишлари атамасида асосий эътибор, жиноий қилмишнинг субъекти ҳисобланиб, ҳарбий хизматчи атамасининг юридик таърифи унга асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонуни 3-моддасида, ҳақиқий ҳарбий хизматдаги шахслар – ҳарбий хизматчилар эканлиги белгилаб қўйилган. Ушбу норманинг 5-қисмида ҳақиқий ҳарбий хизматга юридик таъриф келтирилган бўлиб унга асосан: «ҳақиқий ҳарбий хизмат – чақирув ёки контракт бўйича оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркиби лавозимларида Қуролли Кучлар сафидаги ҳарбий хизматдир» деб кўрсатиб ўтилган. Шунингдек ушбу Қонуннинг 4-моддасида ҳарбий хизматга яна бир бора таъриф келтирилган бўлиб, унда: “Ҳарбий хизмат Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Қуролли Кучлар сафида умумий ҳарбий мажбуриятни бажариш борасидаги давлат хизматининг алоҳида туридир”[12] деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги ПҚ-4447-сон Қарорига мувофиқ тасдиқланган Низомда:

“Харбий хизматчи – ҳақиқий харбий хизматдаги фуқаро, деб белгиланган, Ҳақиқий харбий хизмат – чақирув ёки контракт бўйича оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркиби лавозимларида Қуролли Кучлар сафидаги харбий хизмат”[13].

Юқоридагиларга кўра харбий хизматчи ким эканлиги ва унинг ҳуқуқий таърифи аниқ нормаларда келтирилганлиги сабабли мазкур харбий хизматчи атамасига ортиқча изоҳ бериш мақсадга номувофик. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 17-моддасига мувофик, харбий хизматчи жиноятнинг алоҳида субъекти сифатида тартибга солинмаганлигини ҳам эътироф этиш лозим. Яъни мазкур моддада берилган жиноий жавобгарликка тортилиш белгилари умумий асосларга кўра харбий хизматчилар томонидан содир этиладиган жиноий қилмишларга ҳам татбиқ этилади[14].

“Жиноий қилмиш” деган терминни тўғри ва тўлиқ тушунишимиз учун, ушбу терминга олимлар томонидан берилган таърифларга мурожаат қилишимиз лозим. Умуман олганда “жиноий қилмиш” сўзининг марказида “жиноят” сўзи ва тушунчаси ётганлиги сабабли унинг юридик, узил-кесил таърифига Жиноят кодексининг 14-моддасида таъриф берилганлигини инобатга олган ҳолда, ҳуқуқий–норматив таърифни кўрсатиб ўтиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 14-моддасига кўра, “Жиноят – Жиноят кодекси билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавfli қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади”[14] дея белгилаб қўйилган. Жиноий қилмиш тушунчаси жиноятнинг таърифига нисбатан кенгрок тушунчаллиги сабабли бу борада олимларнинг таърифига мурожаат қилиш мақсадга мувофик.

Хусусан, профессор М.Х.Рустамбаев “Қилмишнинг жиноийлиги уни ижтимоий хавfli деб баҳолаш учун асос бўладиган ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг таркиби билан ифодаланади. Жиноий қилмишнинг ижтимоий хавfliлиги оқибатида Жиноят кодекси билан ҳимояланадиган ижтимоий муносабатларга етказилган ёки етказилиши мумкин бўлган зарар даражаси ифодаланади. Қилмишда жиноийлик ҳусусияти мавжуд эмаслиги шахсни жиноий жавобгарликка тортмасликка асос бўлади, жиноий қилмишсиз жиноий жавобгарликнинг ҳам вужудга келиши мумкин эмас.”[15, 29-b] деб таъриф беради.

М.Х.Рустамбаевнинг фикрига қўшилган ҳолда, жиноий қилмишнинг ижтимоий муносабатларга етиши мумкин бўлган реал хавф натижасидаги зарар даражаси ифодаланилиши назарда тутилган, бунда мазкур қилмишнинг жиноийлиги ижтимоий жиҳатдан хавfli бўлиши ва Жиноят кодекси билан ҳимояланган ижтимоий муносабатларга зарар етиш ёки етказиш хавfli бўлиши зарур. Бироқ фикримизча, мазкур тушунчанинг марказида бевосита жиноят бўлганлиги ва қилмиш бевосита унга боғлиқлиги сабабдан жазо қўллаш таҳдиди “жиноий қилмиш” сўзи таърифида қандайдир ўринга эга бўлиши лозим.

С.Латиповнинг фикрича “жиноий қилмиш айбли бўлиши шарт. Яъни қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилганлиги баҳоланади. Моҳиятан олганда, айб – шахснинг содир этилган қилмишга нисбатан ички руҳий муносабатидир.”[16].

Албатта С.Латиповнинг фикрлари ўзига ҳосликни касб этсада, уларнинг фикрига қисман қўшилган ҳолда жиноий қилмишнинг фақатгина айбли бўлиши жамиятдаги муҳим ижтимоий муносабатларга етиши мумкин бўлган зарарлар билан бевосита алоқадорлиги яъни ҳуқуқий оқибатнинг ҳам мавжуд бўлишини тақозо этади. Бевосита жиноят қонунчилиги қўриқлаётган объектларга бундай зарарнинг етказиш истаги ёки ички руҳий муносабати мазкур объектларга етказилган реал зарар билан алоқадорликни талаб этади ҳамда бундай зарарни мавжуд эмаслиги қилмишни жиноий деб баҳоланишида етарли ҳисобланмайди.

Н.С.Таганцев “жиноий қилмиш юридик муносабат сифатида ўзида икки жиҳатни: жиноятчининг қонун билан қўриқланадиган манфаатларга муносабати – жиноятни; давлатнинг жиноий қилмиш содир этганлиги учун жиноятчига бўлган муносабати – жазони акс эттиради деб ҳисоблайди. Шу сабабдан жиноят ҳуқуқи тузилиши ҳам икки хил бўлиши мумкин: ё биринчи ўринга жиноий қилмиш қўйилади, бунда қилмиш учун жазо муқаррар оқибат сифатида қўрилади, ёки биринчи ўринга давлатнинг жазолаш фаолияти қўйилади, бунда жиноий қилмиш фақат ушбу жазолаш фаолиятининг асоси сифатида қўрилади”[17, 15-16-b].

Хорижий давлатларда жиноят ҳуқуқининг асосий ғояси сифатида жиноий қилмиш (жиноят) турган бўлса, у криминал ҳуқуқ (Criminal Law) деб аталади, агар асосий ғоя сифатида биринчи ўринга жазо қўйилган бўлса, жазо ҳуқуқи (Penal Law) деб юритилади. Жумладан, АҚШ, Германия, Англия ва Японияда криминал ҳуқуқ деб номланса, Франция, Польша бошқа Шарқий Европа давлатларида жазо ҳуқуқи”[18] деб номланади.

М.Усмоналиевнинг фикрига кўра, “Жиноят ҳуқуқининг нормалари фақат жиноят қонуни нормаларида мужассамлашган. Фақат жиноят қонунида қилмишнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлиги белгиланади. Бошқа бирорта давлат органининг ҳуқуқий актида жиноят-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган нормалар бўлмайди. Бундай ҳолат жиноят қонунларини ишлаб чиқиш ва жиноят қонунларини амалда қўлланиш принципларидан келиб чиқади. Шунга кўра турли одатлар, анъаналар, суднинг қарори ва ҳал қилув қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари жиноят ҳуқуқининг манбаи бўла олмайди. Чунки улар янги жиноят қонуни нормасини яратмайди, балки мавжуд жиноят-ҳуқуқий нормани амалда қўлланишини тушунтиради холос”[19, 38-39-b].

М.Усмоналиевнинг фикрларига қўшилган ҳолда давлатнинг қонун чиқарувчи функциясида жиноятнинг фақат жиноят қонунчилиги билан қатъий белгиланиши, шу жумладан жиноят ва унга қўлланиши мумкин бўлган барча санкциялар ушбу қонунчиликда ўз аксини топиши лозим. Шу сабабдан қонун чиқарувчи бирор ҳаракат ёки ҳаракатсизликни жиноят деб топаётганда мавҳум бўлмаган ва кўпчиликка тушунарли таъриф билан белгилаб қўйиши муҳим ҳисобланади.

А.А.Русман “жиноий қилмиш – бу ҳуқуқий муносабатларнинг бир тури сифатида тавсифланади. Бунда давлат мазкур қилмиш асосида шахсга салбий баҳо беришга ҳақли эканлигини айтади”[20, 12-b].

Олимнинг фикрлари биров жазога бўлсада, жиноий қилмиш давлат ва шахс ўртасида вужудга келувчи ҳуқуқий муносабат тавсифланиши етарли эмас.

Бир неча адабиётларда “жиноий қилмиш” ёки “қилмишнинг жиноийлиги” тушунчаси ўзаро ўрин алмашган ҳолда келганлиги муносабати билан бу борада юридик термин сифатида ҳуқуқий энциклопедияларга ва атамаларнинг изоҳли луғатида мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир.

“Қилмиш” сўзига Жиноят кодексининг 8-бўлими атамаларнинг ҳуқуқий маъносида, ҳуқуқий таъриф келтириб ўтилган бўлиб, унга кўра қилмиш – ҳаракат ёки ҳаракатсизлик эканлиги кўрсатилган. Ушбу бўлимда ҳаракат – шахснинг ижтимоий хавфли, онгли ва фаол хулқ-атвори деб, ҳаракатсизлик деганда – шахснинг норматив ҳужжатларда бажарилиши шарт қилиб белгиланган муайян ҳаракатларни бажармасликда ифодаланган ижтимоий хавфли, онгли ва суист хулқ-атвори эканлиги белгилаб қўйилган[21].

“Қилмиш – сўзига юридик энциклопедияларда ижтимоий хавфли, қонунга ҳилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик[22], деб таъриф берилган, шунингдек жиноий қилмиш – жиноят қонунлари билан муҳофаза қилинувчи ижтимоий муносабатларга таҳдид қилувчи жамиятга қарши ва инсон ахлоқ қоидаларидан четга чиқувчи акт. Ўзбекистон жиноят ҳуқуқига кўра, жиноий қилмиш бўлмаганда жиноий жавобгарлик бўлиши мумкин эмас. Ўзбекистон жиноят ҳуқуқи фани жиноий қилмиш жисмонийлик ва руҳийлик бирлиги, яъни жиноят қонунининг у ёки бу моддаси билан қамраб олинган онг назоратида бўлган важа эга (мотивли) ҳаракат ёки ҳаракатсизликда ифодаланган, инсон хулқининг анланган актидан иборат бўлиши лозим деган қоидадан келиб чиқади. Жиноий қилмиш ўзининг объектив ҳоссаларига кўра жамият учун хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизлик, субъектив ҳоссаларига кўра эса ҳамиша муайян мақсад ва муайян сабабларга кўра содир этилган айбли қилмишдир. Жамият учун хавфли қилмишнинг айнан объектив аломатлари, муайян шароитларда инсон хулқининг хусусиятларига қараб айб, жиноят мотиви каби субъектив жиҳатлар ҳақида мулоҳаза юритиш мумкин. Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунлари муайян жиноят-ҳуқуқий норма билан назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишни содир этганлиги учун жавобгарлик белгиланган[23, 154-б].

Юқоридаги фикрларга кўра ва уларнинг ичида энциклопедик таърифлар мукамалроқ саналса-да, фақат жиноят қонуни қилмишнинг жиноийлигини ва жазога сазоворлигини, жиноий жавобгарликнинг асосларини, жазо тайинлаш, жавобгарлик ва жазодан озод қилишни белгиловчи ҳуқуқий манба ҳисобланади ва шу боисдан қилмишнинг жиноийлиги масаласида узил-кесил жиноят қонунчилигига мурожаат қилиш лозим бўлиб, унга кўра Жиноят кодекси 13-моддасида “Қилмишнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлиги ана шу қилмиш содир этилган вақтда амалда бўлган қонун билан белгиланади.” дея белгилаб қўйилган.

Шу сабабли жиноий қилмишга юқоридаги олимларнинг фикри билан келишган ҳолда қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ, яъни

“Жиноий қилмиш – содир этилган вақтда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси билан белгиланган ва ҳимояланадиган ижтимоий муносабатларга зарар

етказувчи ёки зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарувчи айбли ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизликдир”.

Юқоридаги таърифлардан келиб чиқиб ҳарбий хизматчиларнинг жиноий қилмиши деганда, – чақирув ёки контракт бўйича оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркиби лавозимларида Ўзбекистон Қуrolли Кучлари сафидаги ҳарбий хизматдаги Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг, содир этилган вақтида амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида белгиланган ва химояланадиган ижтимоий муносабатларга онгли равишда зарар етказувчи айбли ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизлигида намоён бўлувчи фаол ёки суст ҳулқ-атвори тушунилиши лозим бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (REFERENCES):

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз // Замон билан ҳамнафас диёр. 2016-йил 1-ноябрдаги Андижон вилояти сайловчилар вакиллари билан учрашувдаги нутқи. – Т., "Ўзбекистон" 2017., 22 б.
2. Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации, ст.30-31/ Wehrstrafgesetz [Уголовный закон по делам военнослужащих] в редакции официальной публикации от 24 мая 1974 года, Уголовно-процессуальный акт Южной Кореи Закон № 341 от 23 сентября 1954 г. Статья 16-2. ва бошқалар.
3. Федеральный закон от 03.02.2014 N 7-ФЗ "О внесении изменений в отдельные законодательные акты Российской Федерации по вопросам деятельности военной полиции Вооруженных Сил Российской Федерации" // СПС «КонсультантПлюс» https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31160167&pos=2;-61#pos=2;-61, <https://base.garant.ru/135907/57d7fb69cad1d16755d39d2aae86cc1c/> мурожаат санаси 01.02.2025
4. Ахмедов Б. Соҳибқирон Темур.–Т.: Абдулла Қодирий, 1996.– Б.23
5. Муқимов З., Маматов Х. Амир Темур тузукларида давлат ва ҳуқуқ масалалари. – Т. Янги аср авлоди, 2001. – Б. 92-93.
6. Прудников М.Н. История государства и права зарубежных стран. // – М.: Юрайт. – 2013. – С. 322, 495, 623.
7. Мацкевич И.М. Преступность военнослужащих. // авт.реф.д.ю.н. – М.: – 2002.– С.4.
8. Исраилов И.М. Преступления против порядка подчиненности и воинских уставных взаимоотношений. // авт.к.ю.н. – Ростов-на-Дону.: – 2009
9. Жарких В.А. Насильственные преступления против военной службы. // авт.к.ю.н. – Краснодар.: -2005.
10. Лопатин М.Ю. “Неосторожная преступность военнослужащих” // авт.к.ю.н. –М.:–2012 г,
11. Агишев Р.М. “Воинская преступность; криминологический и уголовно-правовой аспекты” // авт.к.ю.н., – Санкт-Петербург.: – 2005 г.

25-Fevral, 2026-yil

12. Ўзбекистон Республикасининг “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонуни Тошкент ш., 2002 йил 12 декабрь, 436-II-сон
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги ПҚ-4447-сон Қарори ва Низоми
14. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси <https://www.lex.uz/acts/111453> мурожаат санаси 02.03.2025 йил
15. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси 1 том Умумий қисм жиноят ҳақида таълимот олий таълим муассасалари учун даврслик (2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган) // – Т., – 2018. – Б.29
16. Юридик шахсларни жинойий тартибда жазолаш кўзланмоқда. Самир Латипов.
17. https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda_yangi/yuridik_shahslarni_jinoiy_tartibda_jazolash_kuzlanmoqda 30.04.2018 мурожаат санаси санаси 21.02.2025 йил
18. Таганцев Н. С. Русское уголовное право: лекции. Часть Общая. – М., 1994. – Т. 1. – С. 15–16
19. Генрих Н.В., Квашис В. Е. Понятие уголовного права (методологические аспекты введения в уголовное право). Научный вестник Омской Академии МВД России № 2(61), 2016.
20. Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм) // – Т.; 2010 – Б. 38-39.
21. Русман А.А. Прекращение уголовного дела в связи с примирением сторон на стадии предварительного расследования // Автореф. дис... канд. юрид. наук – Челябинск., – 2006 – С. 12
22. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси 8-бўлим атамаларнинг ҳуқуқий маъноси <https://www.lex.uz/acts/111453> мурожаат санаси 02.03.2025 йил
23. Ўзбекистон юридик энциклопедияси. Иккинчи нашр. // – Т., “Адолат” – 2011. – Б.609
24. Юридик энциклопедия. Ю.ф.д. проф. У.Таджихановнинг умумий таҳрири остида.Т.; 2001.–Б. 154